

Меҳрибон
Абдурахмонова



ГУЛЗОР

ҚИШЛОҒИНИНГ
гулдураклари

ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

А 15

Меҳрибон Абдурахмонованинг «Гулзор қишлоғининг гулдураклари»дан жой олган қисса ва ҳикояларини ўқир экансиз, беихтиёр болаликнинг беғубор дамларини соғинасиз. Китоб қаҳрамонлари ҳам бугуннинг одамлари. Қишлоқ ҳаёти самимий, жайдари инсонлар турмуш тарзи ўзига хос тарзда ифодаланган мазкур тўпلام ўқувчиларининг сеvimли китоблари қаторида жой олишга ишонамиз.

ҚИССАЛАР





Гулзор қишлоғининг гулдураклари

МУСАЖОН – БАЛИҚЧИ

Мусажон билан Гулмуроднинг пайтаваларига қурт тушиб қолди. Бу қурт тушмагур ўзимизники бўлса ҳам майли эди, амаллаб чидаб юраверишарди. Гап шундаки, бир куни қўшни мамлакат томондан биз тарафга чанг-тўзон аралаш шамол туриб, ўзи билан бир гала кўк чивинларни ҳам учириб келган эди.

Ўша кунларнинг бирида куни билан канал ёқасида сувга қармоқ ташлаб ўтириб, ови бароридан келмаган Мусажон уч-тўрттагина майда балиқдан иборат «тутқунчалар»ни елим халтасига солди-да, уйига эртароқ қайтди. Доим шунақа, у олтин балиқ тутиш иштиёқида йиллаб сувга термилади. Аммо олтин балиқ у ёқда турсин, дурустроқ бир сазан-пазан ҳам тутолмайди. Ҳафсаласи пир бўлиб қайтган Мусажон оёғидаги этигини ечиб, тердан хидланиб қолган пайтаваларини бир чеккага улоқтирди. Апилтапил қўлларини чайди-да, хотини дастурхонга келтириб қўйган ловия шўрвага майдалаб нон тўғради. Тўғралган нон ивигач, оғриқ тишларини авайлаб овқатни еб олди.

Эҳ-ҳ! Қанийди олтин балиқни тутолганда, бу оғриқ тишларини ҳеч оғрмайдиган олтин

тишларга айлантриб оларди. Аммо сира омади келмаяпти-да.

Овқат еб, қорни етилган тарвуздай бўлиб олган Мусажон эски газета парчасини найча қилиб ўраб ичига махорка солди-да, ошхонада доимий равишда ёниб турадиган газ плитасида тутатиб олиб ортига қайтди. Сўнгра оёқсиз каравотига ётиб олиб, эски «Аргументы и факты» газетасини ҳузурланиб ўқий бошлади. Аммо визиллаб оёғига қўнмоқчи бўлаётган кўк чивин мутолаанинг белига тепди. Мусажон қўлидаги газетани найсимон қилиб ўради-да, оёғига қўнмоқчи бўлиб бетўхтов финфиллаётган кўк чивинни мўлжалга олиб тап этиб урди.

Бироқ чивин ўлгур чаққонгина экан, шундай зўр газетага ҳам чап бериб қочди.

Мусажон асабийлашганидан беихтиёр тишларини фижирлатиб: «Махлуқ», – деб юборди. Бу луқма унга қимматга тушди. Шундоғам симиллаб турган тишларидаги оғриқ кучайиб, бирдан зирқ этиб миясига урди. Дунё кўзларига қоронғилашиб кетгандай бўлди. Кафтини оғзига босиб инграганча бирпас туриб қолди. Сув бўйида узоқ ўтириб бироз зах ўтди, шекилли.

У ёстиғи тагидан ҳаб дорисини олиб оғзига солди. Уни ютмасдан, соғ тишлари билан секин-секин чайнаб жағида ушлаб турди. Оғриқ бироз пасайгандай бўлди...

Чивиннинг эса парвойи-палак, финфиллаб хонани айланиб учарди. Мусажоннинг қони қайнаб кетди. У безбет ҳашаротни ўлдиришга қасд қилиб дурустроқ нарсани излай бошлади. Шунда шкаф устида турган журнал тахлами-

га кўзи тушди. Шундан биттасини олганди, муқовада нақ филдек келадиган қора танли боксчининг хужумга шайланиб турган сурати акс этган экан. Ана энди безбет кўк чивиннинг чиндан ҳам шўри қурийдиган бўлди. Мусажон суратдан илҳом олдимиз, ҳар қалай шиддат билан деворда кўниб турган «махлук» томон ташланди ва бир уришда кунпаякун қилди. Оппок девор безбет махлукнинг қора қонига бўялди. Ғалабадан руҳланган қаҳрамонимиз журналдаги ҳабаш боксчига мағрур кўз қисиб қўйди: «Қойилмисан!»

Қаҳрамонимиз билмас эдики, кўкчивинларнинг бутун бир тўдаси қишлоқни «штурм» қилаётганлигини ҳамда уларнинг бир нечтаси боя бир четга улоқтирилган пайтаванинг орасида «нимадир» қилиб ғимирлаётганлигини ва бу ғимирлаш келажакда бўлиб ўтажак кўп воқеа-ҳодисалардан дарак беришини, яна қайтараман, билмас эди.

Дарҳақиқат, кўк чивинлар галаси ўзлари билан бир вирус олиб келган эдики, бу вирус замондошларимиз томонидан «Рангли металл вируси», деб номланди. Вирусни юқтирганларнинг пайтаваларига қурт тушиб, уйларида ўтиролмай қолдилар. Улар рангли металллардан ясалган нимаики буюм бўлса, қўлларига илинганини қўшни мамлакат ҳудудига олиб бориб арзонгаровга пуллаб кела бошладилар.

Кўпгина оилаларнинг ховлисида турган обдаста, қозон сингари алюмин идишлар ўз-ўзидан оёқ чиқариб ғойиб бўла бошлади. Хўжалик ом-

борининг бир бурчагида неча йиллардан бери чанг босиб ётган коммунистлар дохийсининг мис калласи ҳам бир думалаб чегарадан ўтиб кетди.

МУСАЖОН – «БИЗНЕСМЕН»

Мусажон билан Гулмурод ҳам уйларида ўтиролмай қолишди. Ҳар иккаласиям икки сумка-икки сумка рангли металл йиғишиб «қайдасан, қардошим», деб поезд кутиб вокзалда ўтиришганди, эски танишлари Тилавбой келиб қолди. «Бошим тарс ёрилиб кетай деб турибди. Ҳали поезд келишига бир соатча бор. Юринглар, юз-юздан уриб олайлик», – таклиф қилди у «бизнесменлар»га. Поезд кутиб диққинафас бўлиб ўтирган қахрамонларимизга жон кирди. Икковининг ҳам томоғи тақиллаб турган экан, захри қотилдан юз граммдан ютиб олишиб, юзларига қон югуриб, шу тобда Тилавбойдан яқин одамлари йўқдай, унга миннатдор-миннатдор илжайишарди. Ичларига олов кириб, қақажонлари очилиб, у ёғ-бу ёғдан ҳангомалашаётган эдилар, поезд келиб қолиб, учала улфатнинг ҳангомасига нуқта қўйди. Мусажон билан Гулмурод зил-замбилдай сумкаларини вагонга ортиб, хайё-хуйт деб жўнаб кетишди. Тилавбой «хайр», дегандай бошини бир ирғаб қўйиб, вокзалда қолди.

...Эсон-омон «мол»ни пуллаб келишган икки жўра «бизнес»ларини янада ривожлантириш пайида бўлиб қолишди. Чунки чўнтаклари тўрт-

беш сўм пул кўриб қолиб, Мусажон «Астра» сигаретидан олиб чека бошлади. Унгача бир халта махорка олиб келиб, қоғозни найча қилиб ўраб ичига махорка солиб чекиб юрган эди-да.

Орадан тўрт-беш кун ўтиб қолувди-ёв, чама-си, Мусажоннинг эшиги тақиллаб, туман милиция бўлимига боришга чақириқ қоғози ташлаб кетишди. Мусажоннинг юраги шувиллаб нима қиларини билмай ўтирганди, ташвишли қиёфада ховлиқиб Гулмурод келиб қолди. У тез юриб келганидан ҳарсиллар, кўпчиган юзларидан тер куйилиб турарди. Маълум бўлдики, унга ҳам чақириқ қоғози келган экан.

– Ўлдик энди, жўра. Чегарадан олиб ўтган алюмин, мисимизнинг миси чиқиб қолди. Бизни контрабандист деб, қамаб қўйишмаса гўргайди, – деди Гулмурод чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, юзидаги реза-реза терларни арта-арта.

– Тан олмаймиз. Ўша куни биз Янгийўлдаги синглимникига меҳмонга борган эдик, деб туриб оламиз. Бизни далил билан қўлга туширишгани йўқ-ку. Шунинг учун исбот қилишолмайди. Бу факт, – деди Мусажон сигаретини тутатиб келиш учун газ плита томон юраркан.

– Исботлолмайди, дейсан-а, жўра. Қандай тан олганингниям билмай қоласан.

– Тавба! Шунча одам тонналаб металлни ташиб-кетиб боряпти. Қўлгаям тушмайди улар. Биз камбағалларни туянинг устида ит қошиб олганини қара, – деди Мусажон сигаретини чуқур-чуқур тортиб тутунини бурнидан чиқараркан. – Ўзиям бурнимиздан чиқадиған

бўлди-да, – кўшиб кўйди бурнидан бурқсиб чиқаётган тутунни томоша қилиб.

– Бўпти, жўра. Ишқилиб гапимиз бир жойдан чиқсин-да. Эрталаб бекатда учрашамиз, – деди Гулмурод. У ҳамон терини артиб уdda қилолмай оғир кўзғалиб, ўрнидан турди.

Жўрасини кузатиб қайтган Мусажон уй ўртасида узoқ туриб қолди. Сўнгра ваҳима уясига беркиниб олгандай, кўрпани бошигача тортиб бурканиб ётиб олди...

Эртасига милиция таянч пунктига борганларида кутилмаган янгиликка дуч келишди. Айтишларича, Тилавбой бедарак йўқолибди. Одамлар уни охирги марта бу иккала жўра билан станцияда ичиб ўтиришганини кўрганликларини айтишибди. Шунинг учун Тилавбойнинг домдараксиз кетишида Мусажон билан Гулмурод асосий гумондорлар сифатида терговга чақирилганди.

Улар ўша куни поездда ўзларининг жўнаб кетганликларини, Тилавбойнинг эса станцияда қолганини терговчига батафсил сўзлаб беришди.

Терговчи воқеа ойдинлашмагунча уларнинг худуддан ташқарига чиқиб кетмасликларини таъинлаб огоҳлантиргач, ҳали яна чақириб туришларини айтиб: «Ҳозирча бораверинглар», – деди.

Унда ўлмасанг, мунда ўл. Терговчининг олдидан сувга тушган мушукдай бўлиб чиққан икковлон бир-бирларига мўлтайиб қараб қолишди.

– Энди нима бўлади, Мусажон? – деди Гулмурод қўрқа-писа.

– Нима бўларди? Ишқилиб, Тилавбой топилиб қолсин. Бўлмаса, ҳолимиз хароб, қотилликда айбашлари мумкин.

– Йўғ-э... Мени қўрқитма... Уни ўлдиришнинг бизга нима кераги бор. Ўзи аравамизни зўрға тортиб юрган одамлар бўлсак.

– Бизнинг аравамиз билан органнинг нима иши бор. Ўша куни бирга ўтирганмизми? – Ўтирганмиз. Бирга ичишганмизми? – Ичишганмиз. Яхшиси, дўстим, унинг акасига бориб вазиятни тушунтирайлик. Акаси эсли-хушли одам. Бир нарса дер, ахир.

* * *

Тилавбойнинг акаси Эшмамат ака уларни хушламайгина кутиб олди. Юзларидан улугворлик ёғилиб турадиган, басавлат одамнинг бирданига чўкиб, кўзлари киртайиб қолганини кўриб, икки жўранинг баттар дамлари ичларига тушиб кетди.

Демак, иш жиддий. Укасининг бедарак кетганига анча куйибди, шўрлик.

«Барибир, жигар – жигар-да», – кўнглидан ўтказди Мусажон.

– Мен бир нарса дея олмайман. Сизларни айбдор деб ҳам айтолмайман, айбсиз ҳам деб. Укамни қидирувга бердик. Орган ходимлари излашяпти, сўраб-суриштиряпти. Ҳозирча натижа йўқ. Бу ёғи нима бўлади, вақт кўрсатади. Вақтнинг, тақдирнинг измига бўйсунмай иложимиз йўқ Сизларни ҳам бирон нима деб юпатишга ожизман. Чунки ҳозирда ўзим юпанчга



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4397> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4397> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4397>